Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2014-yil 27-mart, payshanba № 39 (3388)

Саноатчилар халқаро форуми

«Ўзэкспомарказ»да «Uzbekistan Industrial Forum — 2014» олтинчи халқаро саноат форуми бошланди. Тадбир доирасида олтита ихтисослаштирилган халқаро кўргазма ҳам бўлиб ўтмоқда.

Форум Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси, Савдо-саноат палатаси, «Ўзавтойўл», «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компаниялари, Ички ишлар вазирлигининг Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Фанлар академиясининг Энергетика ва автоматика институти ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлиги кўмагида «IEG Uzbekistan» компанияси томонидан ташкил этилди.

Жорий йилги халқаро форум доирасида ихтисослаштирилган «UzMetalMash» — металлургия, металлга ишлов бериш ва машинасозлик, «UzSpecTechExpo» — махсус техника ва эҳтиёт қисмлар, «UzMiningExpo» — тоғ-кон саноати учун технология ва ускуналар, «UzChemPlastExpo» — кимё саноати, пластмасса ва полимерлар ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш, «UzSecureExpo» — хавфсизлик технологиялари ва ҳимоя воситалари ҳамда «UzAutomationExpo» — саноатни автоматлаштириш, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот кўргазмалари ўтказилмоқда.

Форумда Ўзбекистон, Жанубий Корея, Германия, Швейцария, Покистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Италия, Эрон, Туркия, Чехия, Нидерландия, Полша, Россия, Беларус, Украина, Қозоғистон, Қирғизистондан элликдан зиёд корхона иштирок этмоқда.

Кўргазмаларда тоғ-кон, металлургия ва энергетика тармоқларида фойдаланиладиган саноат автомат қурилмалари, айрим эҳтиёт қисмлар ҳамда комплексларни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топшириш бўйича етакчи корхоналар ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда. Шунингдек, бу ерга ташриф буюрганлар мамлакатимиз ва хорижий ишлаб чиқарувчиларнинг технологиялари, ускуналари ва ихтисослаштирилган техникаси билан ҳам танишиши мумкин. Масалан, «JV MAN Auto-Uzbekistan» қўшма корхонаси энг юксак талабларга жавоб берадиган эллик турдан ортиқ юк ва махсус техникани намойиш этмоқда. Кўргазма комплекси майдонида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган очиқ кон самосваллари, бетон қоригичлар, автокранлар, бурғилаш қурилмалари учун платформалар, қудуқларни бетонлаш қурилмалари, тягачлар, коммунал ҳамда бошқа махсус техника тақдим этилган.

Кўргазмада «AZIAGIDROMASH» масъулияти чекланган жамияти (Ўзбекистон), «ФАМУР» акциядорлик жамияти (Польша) ва бошқа тоғ-кон саноатининг йирик корхоналари иштирок этаётгани алоҳида аҳамиятга эга. Пўлат эритиш печлари, рух билан қопланган металл, токарлик, фрезлайдиган, силлиқлайдиган ускуналар, назорат-ўлчаш приборлари, қаттиқ ва оғир эритмалардан тайёрланган буюмлар ишлаб чиқарадиган компаниялар ҳам иштирок этмоқда. «Center Of Welding Technologies» масъулияти чекланган жамияти (Ўзбекистон), «KORLOY» (Жанубий Корея), «SPECTRO Analytical Instruments GmbH» (Германия) шулар жумласидандир.

«Ages Communications», «Newmax Technology» (Ўзбекистон), «Caribbean Trading», CO. LLC (БАА), «Escorts International» (Покистон) компаниялари ускуналар ва хизмат кўрсатувчи ходимларнинг хавфсиз ишлашини таъминлаш соҳасида қўлланадиган янги технологияларни намойиш этмоқда.

Кимё саноати, пластмасса ва полимерлар ишлаб чиқарадиган ва қайта ишлайдиган компаниялар орасида «Завод махсус полимер» қўшма корхонаси (Ўзбекистон), «NETZSCH-GERATEBAU GmbH» (Германия) ва бошқа компаниялар кўргазмага келганлар эътиборини ўзига жалб қилмоқда.

Бундан ташқари, кўплаб корхоналар назорат-ўлчаш, энергия ресурсларини ҳисобга олиш приборлари, автоматлаштирилган бошқарув, бинолар хавфсизлигини таъминлаш тизимларини тақдим этди.

Уч кун давом этадиган «Uzbekistan Industrial Forum – 2014» халқаро форуми доирасида «Тоғ-кон саноати учун мустаҳкам ва зангламайдиган пўлат» мавзусида семинар ва Teclot.com ягона Евроосиё электрон савдо майдони тақдимоти ҳам бўлиб ўтади.

ЎзА материали асосида тайёрланди.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар

Ахборот-коммуникация технологиялари

Республика «Ҳунарманд» уюшмаси Наманган вилояти бошқармаси интернет тармоғида ўзининг расмий веб-сайтини яратди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда бошқарма масъуллари, ҳунармандлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

ҲУНАРМАНДЛАР ВЕБ-САЙТИ

Замонавий дизайн асосида ишланган www.artgraft.uz веб-сайтига вилоятда фаолият кўрсатаётган ҳунармандлар, анъанавий ҳунармандчилик мактаблари ва улар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар тўғрисида барча маълумотлар жойлаштирилган. Шунингдек, веб-сайтда тадбиркорлик ва ҳунармандчиликка оид қонунлар билан танишиш, ҳунармандчилик, тадбиркорлик, якка тартибда фаолият юритиш, давлат рўйхатидан ўтиш, ҳужжатларни расмийлаштириш, маҳсулот сотиш ва экспорт қилишнинг ҳуқуқий-молиявий асослари бўйича амалий ёрдам олиш, маҳсулотни реклама қилиш имконияти ҳам мавжуд.

ЎзА

Диққат, диққат!

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» республика танлови

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Савдо-саноат палатаси, Фанлар академияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎзА, Фермерлар кенгаши билан ҳамкорликда ёшларнинг ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш мутахассисларни аниқлаш, уларни рағбатлантириш, касб маҳорати ва билим даражасини ошириш, шунингдек, ёшларнинг касб алоқаларини мустаҳкамлаш ва ўзаро тажриба алмашувини ривожлантириш, ўзлари танлаган касбга ҳурмат ва фахр туйғусини юксалтириш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловини ўтказади.

Йигирмата номинация бўйича ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган 30 ёшгача бўлган фаол ёш мутахассислар таклиф этилади.

«Энг фаол ёш тадбиркор» ва «Энг фаол ёш ҳунарманд» номинациялари бўйича иштирок этиш истагида бўлганлар Савдо-саноат палатаси ва «Ҳунарманд» уюшмасининг ҳудудий бошқармаларига, «Энг фаол ёш фермер» номинацияси иштирокчилари эса туман Фермерлар кенгашига мурожаат этадилар.

Танловда иштирок этиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

- маълумотнома, номинация номи;
- мутахассиснинг турар жойи, боғланиш телефонлари тўғрисида маълумот;
- паспорт нусхаси;
- тегишли йўналишдаги фаолиятида эришган ютуқларига оид маълумот ва ҳужжатлар.

Асосий мукофот

«Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ғолиблари орасидан сараланган мутахассислар, яъни самарадорлиги натижасида мамлакатимиз иқтисоди ривожига муносиб ҳисса қўшилиши кутилаётган янги ишланма ва лойиҳалар муаллифи бўлган ижтимоий-сиёсий фаол уч нафар ёш мутахассис касаба уюшмаларининг махсус грантлари билан тақдирланади.

Танловда ҳар бир йўналиш бўйича 1-, 2-, 3-ўринни эгаллаган ғолиблар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши, Савдо-саноат палатасининг совға ва дипломлари билан тақдирланади.

Танлов тўрт босқичда:

I босқич – 1-15 апрел кунлари корхона, ташкилот ва муассасаларда;

II босқич – 15-30 апрел кунлари туман (шаҳар) миқёсида;

III босқич – 1-31 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри миқёсида;

IV босқич – май-июн ойлари мамлакат миқёсида ўтказилади.

Танлов ғолибларига мукофотлар 2014 йил сентябр ойида ташкил этиладиган «Ёш мутахассислар» республика форумида тантанали равишда топширилади.

Мукофот бир шахсга такроран берилмайди.

Танлов мезонлари билан Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг интернет тармоғидаги *www.kasaba.uz* портали орқали танишиш мумкин.

Танлов тўғрисидаги қўшимча маълумотлар Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва «Камолот» ЁИҲнинг Марказий ҳамда ҳудудий кенгашлари орқали берилади.

Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг (+998 71) 256-76-57 телефон рақамига мурожаат қилишингиз мумкин.

Хосиятли айём

Порлоқ кунлар дебочаси

Эзгулик, меҳр-оқибат, бунёдкорлик, тинч меҳнатни эъзозлаш каби умуминсоний қадриятларни улуғлаганлиги боис ҳам Наврўзи олам асрлар оша яшаб келмоқда. Айниқса, бу қутлуғ байрам мустақиллик шарофати билан янада бой мазмун касб этиб, халқимизнинг маданий меросини яққол ифода этадиган хосиятли айёмга айланди.

Пойтахт касаба уюшма ташкилотлари тизимидаги меҳнат ва ўқув жамоаларида катта шодиёна билан ўтаётган маданий-маърифий тадбирларда яшариш ва янгиланиш фасли инсон маънавиятини нақадар бойитиб, унга катта руҳий қувват ва кўтаринкилик бахш этаётганига қайта-қайта гувоҳ бўлдик.

Эҳтиёжманд инсон кўнглини кўтариш, беморлар ҳолидан хабар олиш, яккаёлғизларга имкон қадар моддий, маънавий ёрдам кўрсатиш каби хайрли ишлар касаба уюшма ташкилотлари томонидан уюштирилган Наврўз тадбирларининг асосини ташкил этди. Корхона, ташкилотлар ва муассасаларда бу борада муайян ишлар амалга оширилди. Байрам муносабати билан касаба уюшма маблағлари ҳисобидан 2 минг 31 нафар кишининг кўнглига чироқ ёқилди. «Меҳрибонлик», «Саховат», «Мурувват» уйларига ҳомийлик кўмаги уюштирилди.

(Давоми 2-саҳифада).

Янгиликлар оқимидан

ТОШКЕНТ

Ўлкамизда Наврўз шодиёналари давом этаётир.

«БЎСТОН»ДА ШОДИЁНА

Шукуҳли айёмда «Бўстон санаторийси» МЧЖда ташкил этилган маданий-маърифий тадбир ва катта концерт дастури дам олиб, соғликларини тиклаётганлар ҳамда ишчи-ходимларга олам-олам завқу шавқ улашди. Айниқса, «Кристалл» гуруҳининг чиқишлари ўзгача кайфият бахш этди.

Ўз мухбиримиз

СИРДАРЁ

«Сирдарё-Туризм» МЧЖ билан вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган.

ЎЗЛИККА САЁҲАТ

Яқинда Гулистон шаҳар ҳокимлиги бошланғич касаба уюшма ташкилоти томонидан 20 нафар аёлнинг қадимий ва навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди.

Шунингдек, O'zLiDeP Сирдарё вилояти кенгаши бошланғич касаба уюшма ташкилоти ҳам 2 нафар аёлга ана шундай имкон яратиб берди.

Ўз мухбиримиз

ҚАШҚАДАРЁ

«ZEBU-ZAR SAYQAL» хусусий корхонасини бугун нафақат Косон туманида, балки бутун воҳада яхши билишади.

КОСОН МЕБЕЛЛАРИ

2012 йилда фаолиятини дастлаб эшик ва ромлар ишлаб чиқаришдан бошлаган беш кишилик ихчам корхонада айни пайтда диван-кресло, меҳмонхона, ётоқхона, ошхона мебеллари, офис жиҳозлари, иш столи, китоб жавони, ёғоч стуллар, сандиқ шкаф каби 30 турдаги ишхона ҳамда уй-рўзғор буюмлари тайёрланмоқда.

Маъмуржон Насриддинов, Жалол Рўзиев, Суннат Муҳсинов сингари қўли гул усталар ясаётган жиҳозлар харидорларга манзур бўлмоқда.

Хусусий корхона раҳбари Шерзод Хусейновнинг таъкидлашича, банкдан 79 млн. сўм имтиёзли кредит олиниб, корхона техник жиҳатдан қайта жиҳозланди. Германиядан умумий қиймати 26 млн. сўмлик мебел ясаш дастгоҳлари келтирилди.

Бу иш ўрни янада ортади, деганидир.

И.ИСОМИДДИНОВ

ХОРАЗМ

Кейинги йилларда ёшларга бахт эшигини очадиган муассаса — ФҲДЁ бўлимлари биноларини замонавий услубда бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

МЎЪТАБАР МАСКАН

Хонқа туман ФҲДЁ бўлимининг янги биноси фойдаланишга топширилиши туман аҳли учун ўзига хос Наврўз туҳфаси бўлди. Унинг очилишида Хоразм вилоят ҳокими Пўлат Бобожонов иштирок этди.

М.ТЎРАБОЕВА

«Касаба-тур — 2014»

Сангина Раҳмонова одатдагидек бугун ҳам ишга ўз велосипедида келди. Кайфияти ҳар қачонгидан аъло. Чунки у коллежда касаба уюшма қўмитаси томонидан ташкил этиладиган веломарафонда қатнашишга аҳд қилган эди-да!

Балли, Сангина опа!

Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди. Байрамона безатилган стадионда веломарафончилар сафга тизилишди. Тадбирнинг очилиш маросимида сўзга чиққан Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашининг Бухоро вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Райҳон Носирова барчани улуғ айём билан табриклаб, веломарафончиларга омад тилади.

Старт берилди. Йигирмадан ортиқ ишчи-ходимдан таркиб топган велосипедчилар пойгаси бошланди. Улар орасида 54 ёшли Сангина опанинг чаққон хатти-ҳаракатлари, эпчиллик ва тезкорлиги беихтиёр томошабинлар эътиборини тортди. У белгиланган 5 километрлик масофани биринчилар қатори босиб ўтди.

Шунингдек, Сангина Раҳмонованинг жамоадошлари Жўрақул Хайруллаев ва Акмал Неъматовлар ҳам ғолиблар сафидан ўрин олиб, касаба уюшмасининг дипломлари ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

Мусобақа тугаши билан яшариш ва янгиланиш айёми тараннум этилган шўхшодон куйларга навбат берилди. Дастурхонга байрам таомлари тортилди. Миллий спорт мусобақалари ўтказилди.

— 40 йилдан буён велосипед ҳайдайман, — дейди Когон саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи ходимаси Сангина Раҳмонова. — Ишда, бозор-ўчарда ҳам мана шу уловдан фойдаланаман. Ўзимни ҳамиша тетик ҳис қиламан. Ҳаётимда биринчи марта веломарафонда қатнашдим. Гап ғолиблик ёки мукофотда эмас, муҳими — ҳаракат, саломатликни мустаҳкамлаш. Ташкилотчиларга раҳмат!

Биз ҳам, ўз навбатида, «Балли, Сангина опа!» деймиз.

Иззатулла ХОЖИЕВ, «Ishonch» мухбири

Ishonch
2014-yil 27-mart № 39 (3388)

Порлоқ кунлар дебочаси

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шунингдек, меҳнаткашларнинг мароқли маданий дам олишини ташкил этиш, бадиий савиясини юксалтириш мақсадида пойтахтимиздаги театрларга ишчи-хизматчиларнинг ташрифлари уюштирилмоқда. Жумладан, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати тизимидаги ташкилотлар ходимларидан бир гуруҳига Ўзбекистон академик рус драма театрига бепул чипта олиб борилди. Бирлашма кенгаши томонидан пойтахт театрларига 80 нафар ишчи-хизматчиларнинг ташрифи ташкил этилди. Ўзбекистон Фанлар академияси тизимидаги илмий муассасалар ходимлари, хусусан, ёшларнинг «Қатағон қурбонлари хотираси», Ўзбекистон тарихи, Темурийлар тарихи давлат музейларига бепул ташрифи уюштирилди. Шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, Тошкент шаҳар ободонлаштириш бош бошқармасида меҳнат қилаётган эҳтиёжманд ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари учун Ўзбекистон Давлат циркининг байрам томошаларига 1300 дона чипта совға қилинди.

Бу борадаги хайрли тадбирлар апрел ойида ҳам давом эттирилиб, Ўзбек Миллий академик драма, Республика сатира ҳамда Тошкент давлат мусиқий (оперетта) театрларига пойтахтимиз меҳнаткашларининг ташрифи ташкиллаштирилади. Ишчи-хизматчиларнинг фарзандлари эса Республика қўғирчоқ театрининг чиптаси билан таъминланади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижросини таъминлаш мақсадида Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими билан ҳамкорликда пойтахтимиздаги корхона, ташкилот ва муассасаларда «Наврўз — меҳр-мурувват, миллий қадриятлар ва анъаналар тимсоли» мавзуида «Маънавият соатлари» ўтказилмоқда. Шунингдек, ЎзФА тизимидаги муассаса ва ташкилотларда «Устоз ва шогирд» мавзуида меҳнат фахрийлари иштирокида учрашувлар ташкил этилмоқда. Давлат муассасалари ва жамоат хизмати тизимидаги Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси ҳамда туман инспекцияларида Наврўз умумхалқ байрами муносабати билан меҳр-оқибат, ўзаро ғамхўрлик ва мурувват туйғуларини тарғиб қилишга бағишланган тадбирлар ўтказилди.

Айни кунларда тизимдаги корхона, ташкилот, муассасаларда спортнинг мини футбол, стол тенниси, шахмат-шашка, волейбол, енгил атлетика мусобақалари ҳамда ҳаваскор велоспортчилар ўртасида «Касаба-ТУР» веломарафони ўтказилмоқда. Қизғин баҳслар ишчи-хизматчилар, айниқса, ёшларнинг велоспортга бўлган қизиқишларини ўстиришга, соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

Кўклам меҳнат билан кўркам. Шундан келиб чиққан ҳолда пойтахт корхоналари, ташкилотлари, муассасаларининг ишчи-хизматчилари Наврўз муносабати билан ўтказилган умумхалқ ҳашарида 131 минг 180 нафардан зиёд киши қатнашиб, 133 минг 843 та гул кўчати, 18 минг 655 та мевали ҳамда 23 минг 794 та манзарали кўчатлар экилди.

«Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин» деган шиор, ўйлайманки, бизни янги, янада ёрқин манзиллар томон чорлайди. Янги йилни қандай кутиб олсанг, қолган кунларинг ҳам шундай ўтади, деб бежиз айтмайдилар. Бинобарин, эртамиз бугунимиздан-да порлоқ эканлигига ишончимиз комил.

Ирода ҲИКМАТОВА,
Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири

Жамоа шартномаси: у қандай бажарилмоқда?

Ижтимоий ҳимоя асоси

Меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш, уларнинг фаровон ва бахтли турмуш кечириши учун зарур шарт-шароитларни яратиш касаба уюшмаларнинг бош мақсадидир.

Кимё соҳасига қарашли корхона ва ташкилотларда касаба уюшма қўмиталари билан маъмурият ўртасидаги жамоа шартномалари орқали 50 мингга яқин ишловчининг манфаати қамраб олинган. Турли мулкчилик шаклларига мансуб корхоналарда жамоа шартномаларига киритилган имтиёзли шарт ва меъёрлар сўнгги бир йилда 20 фоизга ошгани фаолиятга берилган энг холис баҳодир.

Айниқса, «Максам-Чирчиқ», «Аммафос-Максам», «Навоийазот», «Фарғонаазот», «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖлари, «Қўнғирот сода заводи» ва «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» УКларида олиб борилаётган ибратли ишлар таҳсинга лойиқ. Ўтган йил «Максам-Чирчиқ» ОАЖ раҳбарияти ва касаба уюшма қўмитасининг меҳнаткашларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашдаги ҳамкорлик тажрибаси, ибратли иш усуллари барча бошланғичларга ёйилди.

Жамоа шартномаларининг 2013 йилдаги ижроси юзасидан ўтказилаётган конференциялар фаолиятни баҳолашда ўзига яраша мезон бўлмоқда. Чунончи, «Максам-Чирчиқ», «Навоий электр-кимё заводи», «Қишлоқхўжаликкимё» ОАЖлари, «Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» УК, Ангрен кимё саноати касб-ҳунар коллежи ва бошқа корхоналарда ўтказилган йиғилишларда иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси раисларининг ҳисоботи эшитилиб, ходимларни ҳар томонлама ҳимоялаш, уларга иш ҳақи, қўшимча ҳақ тўлаш ва имтиёзлар яратиш, меҳнат шароитини яхшилаш, ўзлари ва оила аъзоларини соғломлаштириш, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий ва спорт ишларини ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар эътироф этилди.

Конференцияларда ходимлар томонидан билдирилаётган фикр-мулоҳазалар билан бир қаторда, касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда кимё ходимлари касаба уюшмаси мутахассислари томонидан жамоа шартномаларини замон талаби асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таклифлари киритилмоқда. Жумладан, «Навоий электр-кимё заводи» ОАЖ меҳнат жамоаси конференциясида иштирок этган касаба уюшмалари Федерация Кенгаши бош мутахассиси Азамат Абдуллаев ва тармоқ ходимлари касаба уюшмаси масъул ходими Шерали Рамазановлар жойларда меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатини ҳимоялашни ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ҳал қилиш барча даражадаги касаба уюшма органларининг устувор вазифаларидан эканини таъкидлаб, «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида киритилган қўшимча ва ўзгартишларга жиддий эътибор беришни тавсия этишди.

«Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи» УКнинг конференциясида қатнашган тармоқ касаба уюшмаси етакчи мутахассиси З.Ўринбоев қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан томонларнинг масъулиятини ошириш, иш ҳақининг вақтида тўланиши бўйича қатъий назорат ўрнатиш, ёш оилалар ва хотин-қизлар учун белгиланган имтиёз ва вазифалар ижроси бўйича доимий мониторинг олиб борилиши бўйича тавсиялар берди.

Ҳозир жойларда жамоа шартномалари орқали кўпгина масалалар ечимини топмоқда. Бу нафақат меҳнат муносабатларини самарали ташкил этиши, меҳнат шароитини баҳолаш мезонларини келишиб олиш, шунингдек, меҳнат жамоаларининг ҳамжиҳат бўлиб ишлаши учун ҳам замин яратаяпти.

Нилуфар МУЗАППАРОВА,
Кимё ходимлари касаба уюшмаси етакчи мутахассиси

Бандлик

Мамлакатимизда аҳолини иш билан таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Ёшларга эътибор

— Ҳудудимиздаги 48 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда барча ташкилот ва муассасалар билан доимий ҳамкорликни йўлга қўйганмиз, — дейди Шеробод туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази директори Маматқул Исмоилов. — Ўтган йили олти марта меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда турли муассасалар 1435 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Асосий эътиборни ёшларни иш билан таъминлашга қаратганмиз.

Тадбиркорларнинг саъй-ҳаракати билан туманда янги иш ўринлари яратилмоқда. 2013 йили «Ахтамқул Ботиров», «Олтин тупроқ туҳфаси» фермер хўжаликлари очган тикувчилик цехларида 20 нафар қиз ишли бўлди. Ўткир Тошпўлатов раҳбарлик қилаётган «Маржон файз мебел» хусусий корхонасида 10 нафар ёш йигит касб ўрганмоқда.

Ўтган йили марказга 2675 та турли мазмундаги ариза ва мурожаат келиб тушди. Уларнинг 2554 нафари иш билан таъминланиб, 7 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди.

Жорий йилги режалар ҳам зўр уюшқоқлик билан ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Меҳнат ярмаркаси

Гулистон шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси Ёшлар кенгаши ҳамда «Камолот» ЁИҲ шаҳар кенгаши ҳамкорлигида меҳнат ярмаркаси ташкил қилди. Унда 30 дан зиёд корхона, ташкилот ва муассаса 300 га яқин бўш иш ўринлари билан иштирок этди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ўтган йили вилоятда 40 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиб, уларнинг аксариятига касб-ҳунар коллежини битирган ёш мутахассислар жалб этилганди. Жорий йилда ҳам аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур ярмаркада 42 нафар киши бандлик мақомига эга бўлди. 61 нафар касб-ҳунар коллеж ўқувчиси билан корхоналар ўртасида уч томонлама шартнома тузилди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«Ishonch» мухбири

Касбий кўникма

Назария, амалиёт, малака

Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашмаси 8 та даволаш профилактика муассасасини ўз ичига олган бўлиб, жами 1700 нафар ходим меҳнат қилади. Амалдаги жамоа шартномаси ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатлар ҳимоясида асос вазифасини ўтамоқда.

— Тиббиёт бирлашмасида стоматология хизмати, компютер томографияси, УЗИ, ЭХО, эндоскопик текширувлар йўлга қўйилган, — дейди бош шифокор Бахтиёр Ярлакабов. — Бу каби замонавий тиббий жиҳозлар шифо истаб келган беморларга аниқ ташхис қўйиш имконини бермоқда.

Бирлашмада ёш мутахассисларнинг касбий кўникмаларини ошириш мақсадида кутубхона ташкил этилган. Юртбошимизнинг асарлари, соҳага оид адабиётлар, ўқув-қўлланмалар ходимлар малакасини оширишга хизмат қилаётир. Шунингдек, интернет тармоғига уланган компютер фойдаланувчилар ихтиёрида.

Бекобод шаҳар тиббиёт коллежида таҳсил олаётган 1-3-босқич ўқувчилари ўз билим ва кўникмаларини айнан шу ерда амалиётга татбиқ этмоқдалар. Бунда уларга тиббиёт коллежи ўқитувчиси Азиза Парпиходжаева ҳамда бош ҳамшира Қаноатхон Тожибоевалар бош-қош бўлмоқда.

Шифо масканида ҳар бир ходим касаба уюшма ташкилоти эътиборида. Масалан, ўтган 2013 йилда 82 нафар ходим касаба уюшма томонидан рағбатлантирилди, 72 нафар ходимга эса моддий ёрдам ажратилди. Шу билан бирга, 10 нафар ёш мутахассисга молиявий кўмак берилди. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси томонидан ходимларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати уюштирилди. 200 нафар ходим «Зомин» ва «Билдирсой» дам олиш масканида хордиқ чиқарди, шунингдек, «Чинобод», «Турон», «Ботаника», «Зомин» санаторийларига йўлланмалар ажратилди.

Соғлом бола йили муносабати билан спортнинг оммавийлигини ошириш, соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни спортга янада кўпроқ жалб этиш мақсадида касаба уюшма қўмитаси томонидан турли спартакиадалар ўтказилиб келинмоқда.

Рустам АҲМЕДОВ,
Бекобод шаҳар тиббиёт бирлашма касаба уюшма қўмитаси раиси

Бухоро муҳандислик-технология институтида бўлажак мутахассисларга чуқур билим бериш билан бирга, ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Яқинда институт маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2013 йилга тузилган жамоа шартномасининг бажарилиши ҳамда жорий йил учун тайёрланган жамоа шартномаси лойиҳаси муҳокамасига бағишланган конференция бўлиб ўтди.

Ғамхўрлик ифодаси

— Ўтган йилги жамоа шартномаси 14 бўлим, 151 банддан иборат бўлиб, унда 6085 нафар профессор-ўқитувчи, ишчи-ходим ва талабанинг манфаатлари тўла акс этган эди, — деди касаба уюшма қўмитаси раиси Шукрулло Очилов ўз ҳисоботида. — Бу асосан иш вақти, дам олиш, бандлик, меҳнатга ҳақ тўлаш, меҳнат муҳофазаси, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш ишлари, аёллар ва ёшлар учун қўшимча имтиёзлар каби муҳим мажбуриятлар юзасидан фаолиятни мувофиқлаштиришда қўл келганини таъкидлаш лозим.

Касаба уюшма қўмитаси томонидан 11 нафар чин етим, 256 нафар кам таъминланган талаба, 9 нафар якка-ёлғиз яшовчи профессор-ўқитувчи, шунингдек, ногирон, боқувчисини йўқотган оилалар аъзолари ҳар чоракда моддий ва маънавий қўллаб-қувватланмоқда.

2012-2013 ўқув йилида ҳомийлик асосида 3 нафар чин етим ва 8 нафар ногирон талабанинг шартнома тўловлари учун 28 млн. 400 минг сўм тўланган бўлса, 2013-2014 ўқув йилида ушбу маблағ миқдори 42 млн. 825 минг сўмга етказилди. Касаба уюшма қўмитасининг бу борада ҳомий ташкилотларга қилган мурожаатлари самарасиз кетмади. Бундан ташқари, талаба Феруза Бахроновнинг ярим йиллик шартнома тўловига Ўзбекистон таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан 2 млн. 300 минг сўм ажратилди.

Талаба ва ходимлар ўртасида спортнинг оммавийлигини таъминлаш мақсадида стол тенниси, баскетбол, волейбол, шахмат, шашка, футбол, енгил атлетика мусобақалари мунтазам ўтказиб келинмоқда. Голиб жамоалар касаба уюшма қўмитасининг эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. 2 нафар кам таъминланган ишчига бепул йўлланма ажратилди.

Талаба ва ходимлар янги таъмирланган 2 та ўқув корпуси, давр талабига мос 200 ва 500 ўринли талабалар турар жойи, замонавий спорт залидан фойдаланмоқда. Ахборот-ресурс маркази, ошхона ва бошқа маиший хизмат шохобчалари ишлаб турибди.

Анжуманда институт ректори У.Муҳамедхоновнинг ҳисоботи, жамоа шартномаси бажарилишини ўрганиб борувчи комиссия ахбороти ҳам эшитилди.

Музокараларда сўзга чиққанлар касаба уюшма қўмитаси фаолиятидаги ютуқларни эътироф этган ҳолда йўл қўйилган айрим камчиликлар тўғрисида ҳам тўхталишди. Таклиф ва фикр-мулоҳазаларини баён этишди.

Конференцияда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши бўлим бош мутахассиси Азамат Абдуллаев иштирок этди ва сўзга чиқди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Бошланғичда нима гап?

Муҳит соғлом бўлгач...

Косон саноат-транспорт коллежида ўқув ишлари котибаси бўлиб ишлаётган Гулмира Қурбонова декретга чиққач, ўрнига Гулинисо Шониёзова ишга қабул қилинди. Гулинисо серғайрат қиз бўлгани учун вазифасини тезда ўзлаштирди, яхши хулқи, меҳнатсеварлиги билан жамоада ўз ўрнини топди.

Орадан маълум вақт ўтиб, Г.Қурбонова ишга қайтишни ихтиёр этди. Меҳнат қонунчилигига кўра, Гулинисо жойни бўшатиб бериши зарур эди. Тажрибали қасабақўм етакчиси Шерали Муҳаммадиев чигалга чора топди. У Г.Қурбонова билан дилдан суҳбатлашиб, оилавий шароитига мос келадиган бошқа ишни таклиф қилди. Уйда ёш боласи бор ходимага таклиф маъқул келди ва шу тариқа Гулинисо ишдан бўшамайдиган бўлди...

— Шерали Муҳаммадиев ҳар бир ходимнинг муаммоси ва саломатлиги билан қизиқади, — дейди коллеж хотин-қизлар қўмитаси раиси Лола Давлатова. — Қолаверса, у кишининг ташкилотчилигига қойил қоламиз. Хотин-қизлар кунига бағишлаб «Ораста қизлар совғаси» тадбири ҳам у кишининг ташаббуси. Унда қизларимиз ўз маҳоратини намойиш этиб, муносиб тақдирланди.

РУҲ УЙҒОҚЛИГИ

— Турли мавзуларда «Маънавият соатлари» ўтиши анъанага айланган, — дейди коллежнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Зумрад Усмонова. — Яқинда «Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзусида ўтган давра суҳбатида Қашқадарё вилоят ИИБ ШТБИХ катта инспектори, майор У.Абдусаломов спиртли ичимлик ва гиёҳванд моддаларга чалиниб қолмаслик, диний экстремизмнинг салбий оқибатлари ҳақида батафсил тушунча берди. Шунингдек, «Соғлом турмуш тарзи тамойиллари» мавзусида ўтган суҳбат жараёнида мутахассислар «Соғлом ва рационал овқатланиш ҳақида», «Эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари», «ОИВ ва ОИТС касаллиги профилактикаси» хусусида ўқувчиларни огоҳ этишди. Бундан ташқари, «Одноклассники» бадиий филми намойиш этилиб, ўқувчилар ўртасида муҳокама қилинди...

ЯНГИЧА ҚАРАШ

— Таълим масканимизга сўнгги йилларда қатор замонавий жиҳозлар келтирилиб, ўқитиш сифати тубдан ўзгарди, — дейди касбий таълим бўйича директор ўринбосари Неъмат Қурбонов. — Масалан, транспорт йўналишида ўқийдиган ёшларимиз «Йўл ҳаракати хавфсизлиги хонаси», «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш», «Енгил автомобиллар хонаси»да касб сирларини ўрганади. Кореядан келтирилган автожиҳозлар уларнинг яхши мутахассис бўлиб етишишига ёрдам бераётир. Автотранспорт кафедраси мудири Шоҳида Чоршанбиева фаол ва тажрибали устозларимиздан...

— Коллежимиз спорт ишлари бўйича нафақат туманда, балки вилоятда ҳам яхши анъаналарга эга, — дейди касаба уюшма қўмитаси раиси Шерали Муҳаммадиев. — Бундан ташқари, ўқувчиларимиз орасида спортсеварлар кўп. Элмурод Тўхтаев, Аҳмад Боллиев, Равшан Зикиров каби мураббийлар меҳнати самараси ўлароқ, ўқувчимиз Шоҳруҳ Гадоев «Насаф» жамоаси, Мадина Юсупова «Севинч» аёллар футбол клуби сафига қўшилишган. Спорт тўгаракларимиз доим гавжум.

КУЧ — БИРЛИКДА

— Долзарб масалалардан бири — битирувчилар бандлигини таъминлашдир, — сўзида давом этди касабақўм етакчиси. — 2012-2013 ўқув йилида коллежни 450 нафар ўқувчи битирган бўлса, уларнинг 17 нафари олий ўқув юртларига ўқишга кирди. 417 нафар битирувчи эса турли корхона ва ташкилотлар, хўжаликларга жойлашди. Беҳруз Абдуллаев, Аббос Тоштурдиев, Шуҳрат Баротов, Илҳом Каримов, Раҳимжон Очилов каби ёшларимиз банкдан имтиёзли кредит олиб, чорвачилик билан шуғулланмоқда.

Жорий йилда муассасани 430 нафар ўқувчи тугатади. Шунга кўра, 108 та корхона ва ташкилот билан уч томонлама шартномалар имзоланди.

Биз коллеждаги ободонлаштириш ишлари билан ҳам танишдик. Мевали ва манзарали дарахтлар коллеж ҳовлисига кўрк бағишлаб турибди. Гуллар ҳам тартиб билан экилган. Полиз экинлари учун ер ҳозирлаб қўйилган.

Ижтимоий шериклик устувор масканда кам таъминланган ходимларга эътибор катта. Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Косон туман кенгаши бошланғич ташкилот етакчисининг талабномаларини эътиборсиз қолдирмайди. Муҳими, коллеж раҳбари Муродулла Эргашев касабақўмни қўллаб-қувватлайди. Шунинг учун ҳам ишда унум, жамоада ишчанлик, соғлом муҳит руҳи ҳукмрон...

А.АБДИЕВ

Қардошлик уфқлари

Юртбошимиз Ислом Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида таъкидлагани каби, «...ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шарти ва гарови деб билган».

Меҳрдан меҳр унар

Ўзбекистон — Туркманистон ўртасидаги илмий-маърифий муносабатлар тизими ҳар қанча ибратга лойиқ. Кези келганда, тиббиёт фанлари доктори Раббано Камолов, Баҳром Турсунов, тиббиёт фанлари номзодлари Аҳмаджон Байрамтағанов, Ўлмас Очилов, Олим Раҳматов, Озод Исмоилов; тарих фанлари докторлари Обод Жўрақулов, Мамедқули Мустафоев; филология фанлари докторлари Ҳамдам Абдуллаев, Каримбой Қурамбоев, Маматқул Жўраев, Анвар Омондурдиев, фалсафа фанлари доктори Тоғаймурод Оқмуродов; иқтисод фанлари докторлари Тангриберган Дўсжонов, Ҳамро Раҳмонов; техника фанлари доктори Гавҳар Дурдиева; педагогика фанлари докторлари ва номзодлари Очил Розиқов, Қаҳрамон Олимов, Тўхта Гулбоев, Алижон Ҳамроев, Акбар Гулбоев; сиёсий фанлар номзоди Жумақул Қурбонов; техника фанлари номзоди Панжи Оллоқулов; юридик фанлари номзоди Худоёр Маматов, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Норбой Жўраев каби фаннинг турли йўналишлари бўйича фаолият юритаётган истеъдодли олимлар номини алоҳида таъкидлаш жоиздир.

Шулардан бири Тоғаймурод Оқмуродов — Бухоро давлат университети фахрийси, фалсафа фанлари доктори. У Бухоро туманидаги Кечқўноқ қишлоғида туғилган.

Профессор Т.Оқмуродов фалсафа ва диншунослик, этика ва эстетика фанларининг долзарб масалалари бўйича Ўзбекистон Миллий университети, Самарқанд давлат университети, Қорақалпоғистон давлат педагогика ва тиббиёт институтларида махсус маърузалар ўқишга жалб этилгани унинг йирик олимлик салоҳиятидан далолатдир. Эзгулик ва фидойиликни касб этган изланувчан олим айни вақтда шеърият шайдоси ҳамдир. Унинг ижтимоий, маънавий кўтаринкилик руҳидаги манзумаларида қариндошлик, оқибат, меҳр-муҳаббат, эркни улуғлаш каби долзарб мавзулардаги қарашлар, эзгу истаклар ўз аксини топган. Шайдоий – Тоғаймурод Оқмуроднинг «Мустақиллик таронаси» номли туркуми олтилик – мусаддас шаклидаги 60 банддан иборатдир.

Шайдоийнинг мисралари катта ҳаётий тажриба бағридан униб-ўсиб чиққанлиги учун ҳам ҳикматомуз моҳият касб этган:

Виждон, Поклик, Саховат бўлсин,
бўл доим ҳалол,
Шунда сени халқ севар,
юрасан ҳур, бемалол.

Мустақиллик, миллий ўзликка қайтиш, хусусийлик ҳаракатларидан руҳ ва куч олган ёшулли Тоғаймурод Оқмуродов тадбирли боғбон ҳамдир. У Кечқўноқ қишлоғида «Дўстлик» номли 3 гектарли боғини парваришлаб, илмий-ижодий фаолият билан ҳам шуғулланмоқда.

Ўзбекистонда туркман халқи вакиллари тенглар ичра тенг бўлиб яшаётганидек Туркманистонда ҳам, хусусан, Тошоуз, Лебап, Мари вилоятларида ўзбек халқи асрлар оша умргузаронлик қилиб келмоқда.

Икки халқ илмий-маърифий алоқалари икки томонлама характерга эгалиги билан ҳам эътиборлидир. Масалан, ўзбекистонлик илмий ходимларнинг Ашхоболддаги нуфузли илмий марказлардаги фаолияти бу жиҳатдан муҳим. Марказий Осиёда ягона Туркманистон Фанлар академиясининг «Гун» ва «Чўл» илмий-тадқиқот институтларида ўзбек олимлари олиб борган тадқиқот ишлари ҳар жиҳатдан эътирофга лойиқдир.

Илмий-маърифий, илмий-тадқиқот соҳасидаги ҳамкорлик доираси тобора кенгайиб бормоқда. Масалан, пахтачилик, буғдой ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳосилдорлигини кўтариш, нефт ва газ кимёси, уруғлик чигит ёки дон навларининг янги, ҳосилдор турларини яратиш йўналишидаги ўзбек-туркман олимларининг ҳамкорликдаги ишлари самарали давом этмоқда. Шунингдек, Навоий ва Махтумқули каби мумтоз шоирлар ижодини, халқ достонларини ўрганиб, тадқиқ қилиш билан боғлиқ муносабатлар ҳам жонланиб бормоқда. Кўринадики, икки меҳрли қариндош халқ қўлни-қўлга бериб, елкадошликда дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиб бормоқда. Зеро, эзгулик мақсади билан йўғрилган илм зиёси порлаб, йўлимизни ёритиб турган жойда ҳаёт ҳам жаннатмонанд бўлиб бораверади.

Абдуғаффор ХОН,
Ўзбекистон-Туркманистон дўстлик жамиятининг фаоли, олим, ёзувчи ва таржимон

Тадбир

Миллат маънавиятига ўлчов бўладиган, унинг даражасини кўрсатиб берадиган омиллардан бири айнан адабиёт эканини барчамиз яхши англаймиз. Шу боис ҳам Президентимизнинг 2013 йил 27 декабрдаги «Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуф таваллудининг 60 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги Қарори халқимиз ва адабий жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. Жойларда шоир ижодига бағишланган адабий-маърифий кечалар бўлиб ўтмоқда.

Шоирни ёд этиб...

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Андижон вилояти ҳокимлиги, вилоят Хотин-қизлар қўмитаси, «Тасвирий ойна» ижодий уюшмаси ҳамкорлигида «Муҳаммад Юсуф ижодида аёл сиймоси: шоирга ҳамнафаслик» мавзусида ўтказилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари, шеърият ихлосмандлари ҳамда шоирнинг оила аъзолари иштирок этди.

— Адабий жамоатчилик Муҳаммад Юсуф шеърларини таъриф-тавсиф этганда, унга нисбатан содда деган сўзни кўп ишлатади, — деди Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова. — Ростдан ҳам содда шеърлар. Шоирнинг ўзига ўхшаган содда ва самимий, қадоқ қўлли, оққўнгилли халқимизнинг табиатига мос жайдари сатрлар. Лекин шу билан бирга, инсоннинг ниҳоятда мураккаб руҳияти, кўнгил кечинмаларининг энг чуқур қатламларида яшириниб ётган жиҳатлари ана шу содда шеърларда, достонларда акс этган. Шоирнинг ҳар бир шеърида одамлар бир-бирига меҳрли бўлиши ва фақат меҳр дунёни ҳалокатдан қутқариши ҳақида бонг бор, даъват бор.

Дарҳақиқат, шоир қисқа умри давомидаги ёрқин ижоди орқали ўзбек адабиётида ўчмас из қолдирди. Унинг «Таниш тераклар», «Булбулга бир гапим бор», «Илтижо», «Уйқудаги қиз», «Ҳалима энам аллалари», «Ишқ кемаси», «Бевафо кўп экан», «Улуғимсан, Ватаним» каби ўнлаб китобларида жам бўлган шеърий мисралар мухлисларнинг юрагидан жой олган, десак асло муболаға эмас. Тадбирда сўз олган таниқли адабиётшунос олим Умарали Норматов ва Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиева шоир ижодида тараннум этилган Ватанга, истиқлолга, халққа, она табиатга муҳаббат, аввало, оналарга бўлган чексиз меҳрдан юзага келганлигини, ҳар бир шеърида ўзбек аёлига бўлган юксак эҳтиром балқиб турганлигини қайд этишди. Маърузалар шоирнинг она, аёл зотига бағишланган шеърлари асосида тайёрланган мушоирага уланиб кетди.

— Шоирнинг олтмиш йиллик юбилейини нишонлаш учун вилоятимизда катта тайёргарлик олиб борилмоқда, — дейди Андижон вилояти ҳокимлиги котибият мудири Мавлуда Низомова. — Ушбу санага бағишлаб ёшлар ўртасида турли ижодий танловлар, давра суҳбатлари ташкил этмоқдамиз.

Гўзал НОРЧАЕВА,
«Ishonch» мухбири

Реклама ўрнида

Молия муассасаларида

Qishloq Qurilish Bank

2011 йилнинг охирларида Тошкент вилоятининг Чиноз туманида «SOFT CHICKEN» масъулияти чекланган жамияти ташкил этилганида кўпчилик мазкур корхонанинг келажаги қандай бўлишига қизиқиш билдирганди. Жамият таъсисчилари ўз олдига замонавий технологиялар асосида паррандачиликни йўлга қўйиб янглишишмади. Ана шу мақсад йўлида «Ўзбекистон» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги собиқ қорамолчилик фермаси биноси сотиб олиниб, таъмирдан чиқарилди. 2012 йилнинг декабрида жамиятимиз ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент шаҳар минтақавий филиалида ҳисоб рақами очиб, кредит маблағи ҳисобига Украинанинг «ТЕХНО ИБ» компаниясидан завмонавий линия сотиб олиш ҳамда халқимизга тухум ва товуқ гўшти етказиб беришни режалаштирди.

Ҳамкорлик шарофати

Умумий қиймати 257,98 минг АҚШ долларидан иборат бўлган лойиҳамизни мутахассислар юқори баҳолашди. Унинг 83,97 минг АҚШ долларини ўз ҳисобимиздан молиялаштириш учун таъсисчиларнинг маблағларини жалб қилдик. Тегишли ҳужжатлар банкка тақдим этилгач, 2013 йилнинг январида Халқаро Тараққиёт Уюшмаси (ХТУ) кредит линияси орқали 173,0 минг АҚШ доллари миқдорида кредит бериладиган бўлди. Ушбу маблағлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида имтиёзли фоиз ставкасида 5 йил муддатга ажратилгани, айниқса бизни хурсанд қилди.

Лойиҳани амалга ошириш жараёнида «ТБК5ВС/3-100» маркали, 8 та техник бўлинмадан иборат 30 000 дона товуққа мўлжалланган линия сотиб олиниб, ўрнатилди. Ушбу линия товуқ озуқасини сақлаш бункери, озуқа етказиб бериш транспортери, клетка батареялари, озиқлантириш, суғориш, тозалаш, тухум тўплаш ва электр таъминот тизимларига эга бўлган замонавий, тўла автоматлаштирилган линия ҳисобланади.

Линияни тўла қувват билан ишга туширишдан олдин ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк» Тошкент шаҳар минтақавий филиалига иккинчи бор кредит линияси очиш бўйича мурожаат қилдик. Тез орада 30 000 дона тухум берадиган товуқ (несушка наслли) сотиб олиш учун жамиятга 300,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Ҳозирда кунига режадаги миқдорда тухум, ойига 15-17 тонна товуқ гўшти етиштириб, халқимиз дастурхонига тортиқ қилмоқдамиз. Жамиятимизда 17 та янги иш ўрни яратилган бўлиб, уларнинг 13 таси ҳудудда яшовчи ёшлар ва касб-ҳунар коллежи битирувчиларига тегишлидир.

Бугунги кунда, маълумки, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодиётимизни юксалтириш, аҳолини иш билан таъминлаш, истеъмол бозорини сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлдириш, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу вазифаларни бажаришда ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банк»дек тижорат банкларининг роли муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лойиҳамизни амалга ошириш жараёнида шу нарсага гувоҳ бўлдикки, тижорат банклари ҳукуматимиз томонидан қўйилган талабларни тўлақонли бажариш учун етарли молиявий ва моддий салоҳиятга эга. Ушбу вазифаларни бажаришда тадбиркорларга зарур маслаҳатлар беришгина қолмай, балки хорижий кредит линияларини жалб қилган ҳолда керакли миқдорда молиявий маблағлар ажратилишига ҳам қодир эканликлари намоён бўлмоқда. Лойиҳамизнинг Халқаро Тараққиёт Уюшмаси (ХТУ) кредит линияси орқали молиялаштирилганлиги ҳам бунга яққол мисолдир.

Иккинчидан, бугунги кунда банк мутахассислари халқаро тоифадаги лойиҳаларни тузиш, уни амалга ошириш ва молиялаштириш бўйича етарли тажриба ва билимга эга эканлигини исботлашмоқда. Жамиятимиз томонидан тақдим этилган бизнес режани халқаро кредит линияси талабларига мослаштириш борасида банк ходимларининг чуқур билими, пухта тажрибаси ва оқилона маслаҳатлари асқотди.

Учинчидан, лойиҳани амалга ошириш жараёнида банк ходимлари бевосита ҳудуд имкониятлари, олиб келинаётган ускунанинг ҳудудий талабларга жавоб бериши, товуқларни кимдан сотиб олиниши, уларнинг озиқлантириш рационларини, хоналарнинг микроклимит даражасини, товуқларни эмлаш босқичи ва турларини, етиштириладиган тухумнинг озуқа даражасини ошириш тадбирлари ва лойиҳанинг экологик хавфсизлиги-ю, ҳудудий бозор коньюктурасини жойида ўрганиб, таҳлил қилишди.

Тўртинчидан, замон талабидан келиб чиққан ҳолда, тижорат банклари бугунги кунда нафақат лойиҳаларни молиялаштириш билан чекланмоқда, балки ушбу лойиҳанинг ишлаб кетиши, келажакда тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган фойда миқдорининг ортиши ҳақида ҳам жонкуярлик қилмоқда. Лойиҳанинг тўла қувват билан ишлаши ва ўзини оқлаши учун ОАТБ «Қишлоқ қурилиш банки» Тошкент шаҳар минтақавий филиали жамиятимизга иккинчи кредит линиясини очиб бериши бунинг исботидир.

Ҳаққоний бизнес-режа асосида қонуний фаолият юритишни режалаштирган ҳар қандай тадбиркор давлат ҳимояси, банкларимизнинг молиявий мадади билан иқтисодиётимиз ривожига ўз ҳиссасини қўша олади.

О.БЕРДИЕВА,
«SOFT CHICKEN» МЧЖ раҳбари

Сўраган экансиз

САВОЛ: Ер участкаси сотилганида сотувчининг кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқи сақланиб қоладими?

Н.АЗЛАРОВ,
Қибрай тумани

ЖАВОБ: Сотувчига қарашли бино, иншоот ёки бошқа кўчмас мулк жойлашган ер участкаси ана шу кўчмас мулкни сотиб олаётган шахсга мулк қилиб топширилмаган ҳолда сотилса, ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва кўчмас мулкдан фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан сотувчининг фойдаланиш ҳуқуқи сотиш шартномасида белгиланган шартларда сақлаб қолинади. Агар ер участкасининг тегишли қисмидан фойдаланиш шартлари уни сотиш шартномаси билан белгиланган бўлмаса, сотувчи ер участкасининг кўчмас мулк жойлашган ва бу кўчмас мулкдан кўзланган мақсадларда фойдаланиш учун зарур бўлган қисмидан чекланган ҳолда фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади.

Кўчмас мулкнинг олди-сотди шартномасига (кўчмас мулкни сотиш шартномасига) биноан сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади.

Кўчмас мулкни сотиш шартномаси тарафлар имзолаган ёзма шаклдаги битта ҳужжат тарзида тузилади. Кўчмас мулкни сотиш шартномасининг шаклига риоя қилмаслик унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади. Шунингдек, кўчмас мулкни сотиш шартномасига биноан кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқининг сотиб олувчига ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим. Мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлиги давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар тарафларнинг кўчмас мулкни сотиш шартномасини бажариши уларнинг учинчи шахслар билан муносабатларини ўзгартириши учун асос бўлмайди. Агар тарафлардан бири кўчмас мулкка бўлган мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказишдан бўйин товласа, бошқа тарафнинг талабига биноан суд мулк ҳуқуқи бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли ҳисобланади.

Шунингдек, кўчмас мулкни сотиш шартномасида шартнома бўйича сотиб олувчига топширилиши лозим бўлган кўчмас мулкни аниқ белгилаш имконини берадиган маълумотлар, шу кўчмас мулк тегишли ер участкасида ёки бошқа кўчмас мулкнинг таркибида қандай жойлашганлигини белгилаш имконини берадиган маълумотлар кўрсатилган бўлиши шарт. Шартномада бундай маълумотлар бўлмаса, бошқа шахсга топширилиши лозим бўлган кўчмас мулк тўғрисидаги шартни тарафлар ўзаро келишиб олмаган, тегишли шартнома эса тузилмаган ҳисобланади.

Ирода МУСТАФОЕВА,
Шайхонтоҳур тумани 7-ДНИ нотариуси

Миллий матбуот марказида

Давлат Солиқ қўмитаси томонидан «Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадларини декларациялаш тизимининг ўзига хос хусусиятлари» мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжумандан кўзланган асосий мақсад, икки ёки ундан ортиқ манбалардан даромад олган жисмоний шахслар томонидан жами йиллик даромадлари ҳақидаги декларацияни тақдим этиш тартиблари, муддати ва солиқларни ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда жорий йилдан бошлаб бу борада солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятидан кенг жамоатчиликни хабардор қилишдир.

Даромадларни декларациялаш тизими

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Солиқ кодексининг 189-моддасида қайд этилган даромадларига декларация асосида солиқ солинади.

Бундай даромадларга мулкий даромадлар, агар бу даромадларга тўлов манбаида солиқ солинмаган бўлса, жисмоний шахсларнинг фан, адабиёт ва санъат асарларини яратганлик ҳамда улардан фойдаланганлик учун муаллифлик ҳақи тариқасида олган даромадлари, асосий бўлмаган иш жойидан олинган моддий наф тарзидаги даромадлари, икки ёки ундан кўп манбадан олинган солиқ солинадиган даромадлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги манбалардан олинган даромадлари, солиқ агентлари бўлмаган манбалардан олинган даромадлари киради.

Жисмоний шахслар ушбу даромадлари бўйича жами йиллик декларацияни доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этиши лозим. Декларация доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига шахсан бориб топшириш, почта орқали буюртма хат шаклида, шунингдек, электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

Мол-мулкини ижарага бериш орқали даромад олаётган жисмоний шахслар томонидан, ижарадан даромадлар пайдо бўлган кундан эътиборан, биринчи ой тугаганидан кейин беш кунлик муддатда дастлабки декларация ҳамда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органига жами йиллик даромадлари тўғрисида декларация тақдим этилиши лозим. Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма хабардор этиши даркор.

Жисмоний шахсга даромад солиғидан имтиёз олиш ҳуқуқи айнан ушбу декларация асосида берилади. Бундан кўринадики, жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларациянинг тақдим этилиши фақат жисмоний шахснинг манфаати учун хизмат қилади.

Жисмоний шахслар даромадлари тўғрисидаги декларация асосида ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғини ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 1 июнидан кечиктирмай тўлашлари лозим.

Декларация ўз вақтида тақдим этилмаса, давлат солиқ хизмати органи ўзидаги мавжуд маълумотлар асосида жисмоний шахс томонидан тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини энг юқори ставка бўйича ҳисоблаш ва солиқ тўловчига тўланиши лозим бўлган солиқ суммаси тўғрисида билдиришнома бериш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 181-моддасига биноан мол-мулкни ижарага беришдан олинган даромадларга жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг белгиланган энг кам ставкаси бўйича солиқ солинади. Дарвоқе, 2014 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг кам ставкаси 7,5 фоиз миқдорида белгиланган.

Жамшид ЭРГАШЕВ,
«Ishonch» мухбири

Статистик ахборотлар – тараққиёт кўзгуси

Давлат статистика қўмитаси томонидан «Статистик ахборотлар сифати ҳамда мазмунини янада такомиллаштириш йўналишлари ва истиқболлари ҳақида» мавзуида матбуот анжумани ташкил этилди.

Таъкидландики, республикамизда статистик ҳисобнинг илғор усулларини амалиётга кенг жорий қилиш, шунингдек, статистика тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш учун зарур меъёрий-ҳуқуқий асослар яратилган.

Хусусан, сифатли статистик маълумотларни тайёрлаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган чоралар, 2013 йилда Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати ҳамда унинг ҳудудий органлари тузилмасига сезиларли ўзгартиришлар киритилиши натижасида АКТ бўлинмалари янада кенгайтирилди, шунингдек, сифатни бошқариш бўйича махсус бўлинма ташкил этилди ҳамда статистик ахборотларни тайёрлаш ва тарқатишнинг барча босқичларида сифат назоратини амалга ошириш тадбирларини тартибга солувчи ҳужжатларни тайёрлаш ишлари бошланди.

Ҳозирги кунда респондентларнинг 86 фоизи давлат статистика ҳисоботларини электрон кўринишда тақдим этмоқда.

2013 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонига асосан, ҳисоботлар сони деярли икки баробар қисқартирилди, уларнинг ўрнига якка тартибдаги корхоналар, оила ҳамда бизнеснинг танлама кузатувлари жорий этилди. Шу билан бирга, Марказий банк, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ва бошқа давлат органларининг статистика маълумотларидан фойдаланиш сезиларли даражада кенгайтирилди.

Корхоналар ва ташкилотларнинг ягона давлат регистрини юритиш бўйича янги ахборот ресурсининг жорий этилиши Давлат статистика қўмитасига нафақат юридик шахсларни ҳисобга олиш ва идентификациялаш автоматлаштирилган тизимининг барқарорлигини, статистик ишланмаларнинг сифатини ошириш ва идораларо ахборот алмашинувини такомиллаштириш, балки регистрнинг очиқ маълумотларига барча ташқи фойдаланувчиларга, юридик ва жисмоний шахсларга кириш имкониятини ҳам яратди.

Давлат статистика қўмитаси статистик ахборотларни тарқатишнинг шакллари ва усулларини доимо такомиллаштириб бормоқда.

Раъно МАҲКАМОВА,
«Ishonch» мухбири

Омон бўлинг, МУШТАРИЙ

Ishonch
2014-yil 27-mart № 39 (3388)

Тил билган — эл билади

Президентимизнинг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори жаҳонга дадил боқаётган мамлакатимиз ёшларига навбатдаги ғамхўрликнинг амалий ифодаси бўлди. Эндиликда ўғил-қизлар 1-синфданоқ хорижий тиллар билан ошно тутинмоқда. Мактабларда чет тиллар тўгараклари фаолияти йўлга қўйилди, ўқитувчилар ўз малакаларини ошириб, янгича ўқитиш услубларини амалга татбиқ этишяпти.

Қарши шаҳридаги 29-ўрта умумтаълим мактабида 1054 нафар ўғил-қиз таҳсил олади. 2013-2014 ўқув йилида қабул қилинган тўртта биринчи синф ўқувчиларига Сужоат Мансурова ҳамда Дилафрўз Холиқова инглиз тилидан сабоқ беришяпти. Хоналар юмшоқ ўйинчоқ, турли сурат ва кўргазмали қуроллар, ДВД-плейр ва телевизор билан таъминланган. Ҳар бир дарс қизиқарли жараёнлар, ўйин ва куй-қўшиқлар ҳамоҳанглигида ўтишига ҳаракат қилинмоқда. Хусусан, ўқитувчи Дилафрўз Қодирова шеърга мусиқа басталаб, болажонларни инглизча куйлашга ўргатаётир.

Шижоатли Сужоат

ёхуд «қарс икки қўлдан» нақлининг амалдаги кўриниши

— Ўқитувчиларимиз пойтахтда малака ошириб келишди, — дейди мактаб директори Жамила Тўрақулова. — Ёш мутахассисимиз Сужоат Мансурова таълим бераётган ўқувчилар бийрон сўзлаяпти. Бундан ташқари, 2-, 3-, 4-синф ўқувчиларига инглиз тили фани ўтилмаса-да, улар тўгараклар орқали дунё тилини ўрганишмоқда. Дарвоқе, Сужоат Мансурова «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловининг шаҳар ва вилоят босқичида ғолиб чиқиб, республика миқёсида билим ва маҳоратини синовдан ўтказиш имконига эга бўлди. У компютерда яхши ишлайди. Интернет орқали хориж мамлакатлари ўқитиш дастурларини ўзлаштириб, уларни ўқув муассасасида жорий қилмоқда.

Мактабда чоршанба куни — инглизча сўзлашув куни деб белгиланган бўлиб, барча ўқитувчи ва ўқувчилар инглизча сўзлашади. Шу кунги мактаб ҳаёти ва замон нафаси ҳақидаги радиоэшиттириш ҳам инглиз тилида янграйди...

Биз изланувчан муаллима Сужоат Мансурова билан суҳбатда бўлдик.

— Президент қарори чиққандан кейин пойтахтда малака ошириб, ўқитишнинг илгари амалда бўлмаган қатор янги усуллари билан танишдик, — дейди у. — Масалан, 1-синф ўқувчиси учун чиқарилган инглиз тили китоби турли суратлар, эртак ва мултфилм қаҳрамонлари билан бойитилган. Биз бирор жисм ёки ҳайвон ёхуд мева-сабзавот ҳақида маълумот бермоқчи бўлсак, суратлар, мултқаҳрамонлар кўмагида буни осонгина улар онгига сингдирамиз. Ҳаракат ва мимикадан фойдаланамиз.

Бошланғич синф ўқувчиларининг ота-оналари учун китоб чиқарилган бўлиб, унда сўзларнинг ўқилиши, айтилиши катта ёшлиларга мос равишда кирилча алифбода берилгани ўзаро мулоқотда қўл келаётир.

Айни пайтда мактабимизда CEFR — Европа мамлакатларидаги ўқитиш методикаси бўйича инглиз тили ўргатиляпти. Яъни, distening-эшитиш, reading-ўқиш, writing-ёзиш, speaking-гапириш йўналишлари бўйича босқичма-босқич дарс ўтилаяпти.

Масалан, ўтган дарсда касалликлар ҳақидаги мавзу ўтилди, — дейди муаллима. — Мен бошим оғриганини ҳаракат билан кўрсатаман. Ўқувчилар касаллик номини айтишади: headache - бош оғриғи, тишимни ушлаб, юзимни бужмайтирсам - toothache - тиш оғриғи, қулоғимни ушласам - earache - қулоқ оғриғи, йўталсам - sore throat – томоқ оғриғи, деган жавобларни беришади. Илгари текстни ўқиб юқори синфлардан «диктант» олардик. Энди эса расмни кўрсатиб ёки мултфилм намойиш этиб, олинган тасаввурларни қоғозга туширишни сўраяпман.

— Сиз ҳақингизда гапира туриб, Жамила опа 8 «г» синф раҳбари эканингизни айтиб, «Сужоатхон ўқувчи қизларининг ҳар бирининг уйига бориб, уларнинг ота-онасига учрашади ҳамда тарбияси бўйича алоҳида суҳбатлар ўтказади», деди. Қолаверса, «Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси» кўрик-танловида қатнашибсиз. Боз устига оила деганларидек... Буларнинг барчасига қандай улгурасиз? — сўраймиз Сужоатхондан.

— Кўрик-танловда зафар қучиб, барча ишларга улгуришимда қайнонам Муҳаррам опа Аминованинг ҳиссаси катта, — дейди Сужоатхон. — У киши қўллаб-қувватлаб, ўзимга бўлган ишончнинг шаклланишида катта далда беради. Шунингдек, танловнинг республика босқичига тайёрланишимда мактабимиз раҳбари Жамила опа Тўрақулова, Қарши шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими услубчиси Дилфуза Аллаёрова, устозларим 1-ихтисослашган мактабнинг инглиз тили ўқитувчиси Шаҳзода Ашурова ҳамда 34-ўрта мактаби чет тиллар муаллимаси Наталя Ҳамидова каби фидойи инсонлар ўз кўмагини аяшмаяпти...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Беллашув

Уйчи саноат, транспорт ва алоқа касб-ҳунар коллежида Наврўз байрами муносабати билан қизлар ўртасида шашка, стол тенниси ҳамда арқон тортиш турларида беллашув ташкил этилди. Иштирокчилар, шунингдек, спорт турлари тарихи хусусида қизиқарли маълумотлар беришди.

Чаққонлар, зукколар

Қизғин кечган баҳсларда ғолиблик шашкада коллеж талабаси Мухтасар Аҳмедовага, стол теннисида Севара Низамовага, арқон тортишда 5-бухгалтерия гуруҳи қизларига насиб этди.

«Энг зукко аёл» мавзуида коллеж ўқитувчилари ўртасида ўтган танловда қатнашчилар 4 шарт бўйича беллашди. Муаззам Солиева ғолиб деб топилди. Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари вилоят ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳомжон Султонов тадбир иштирокчиларига эсдалик совғалари тақдим этди.

Феруза ЭРМАТОВА

САНЪАТГА ОШУФТА

Пойтахтимиздаги Р.Глиэр номидаги мусиқа мактабида 8 та йўналиш мавжуд. Бу ерда таҳсил олаётган 905 нафар санъатга ошуфта ўқувчи-ёшлар тажрибали устозлардан мусиқа сир-асрорларини қунт билан ўзлаштирмоқда.

Суратда: мактаб ўқувчиси Хумоюн Умиров машғулот пайтида.

Аҳмад ТЎРА олган сурат

Туҳфа

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республикамиз аҳолисига қилган мурожаатидан келиб чиққан ҳолда, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари Сардоба туман кенгаши Гулистон шаҳридаги бадиий академия санъат мактабига ободонлаштириш ишларида ҳомийлик қилиш мақсадида 50 дан ортиқ мевали ва атиргул кўчатлари совға қилди.

Беҳи бўйи муаттар

— Мактабимиз янги, замонавий бинога кўчиб ўтгани сабабли атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ғалдаги вазифаларимиздан бири эди, — дейди мактаб директори, таниқли рассом Баҳодир Бобоназаров. — Ниятимиз ўшалишига кўмакдош бўлган ҳомийлардан миннатдормиз. Насиб қилса, экилган беҳи кўчатлари униб, унинг анвойи бўйидан чор-атроф муаттар бўлади.

О.МАМАДАЛИЕВА

«Касаба-тур — 2014»

Пойтахт касаба уюшма ташкилотлари тизимидаги корхона, ташкилот ва муассасаларда ташкил этилаётган «Касаба-тур» мусобақалари катта қизиқиш уйғотмоқда.

ОММАВИЙЛИК САРИ

«Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси тизимидаги Материалшунослик институтида ўтказилган баҳсларда элликдан ортиқ ҳаваскор қатнашди. 25-35 ёшдаги иштирокчилар ўртасида Жавоҳир Шерматов, аёллар орасида эса Шаҳло Эрматова биринчиликни эгаллади. 35 ёшдан юқори ёшдаги иштирокчилар ўртасида эса Юрий Кирсун ва Ирина Кирсуна ғалаба қозонди.

Ядро Физикаси институтида ўтказилган веломарафон ҳам қизиқарли тарзда ўтди. Иштирокчилар тадбир ташкилотчиларининг эсдалик совғалари ва дипломлари билан тақдирланди.

Шерзод ЖЎРАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар Академияси бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси

БАЙРАМОНА КАЙФИЯТДА

Корхона ва ташкилотларда фаолият юритувчи ишчи-ходимлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, спорт тадбирлари орқали саломатликларини тиклашга кўмаклашиш, оммавий тарзда спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратиш ва буни кундалик эҳтиёжга айлантириш мақсадида ЎзКУФК томонидан ҳар йили ўтказилиши режалаштирилган «Касаба-тур» веломарафони бу йил ҳам орзиқиб кутилган тадбирлардан бири бўлди.

Унинг биринчи саралаш босқичи умумхалқ байрами бўлмиш Наврўз шодиёналарига уланиб кетди.

— Веломарафонда иштирок этувчилар сони бир неча баробарга кўпайганини айтиш мумкин. Айниқса, ёшларнинг фаоллигини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу кўрсаткичга, албатта, вилоят Ёшлар кенгашининг жонкуярлиги орқали эришилмоқда, — деди вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудири Хайрулла Аминов.

Ўз мухбиримиз

Стол тенниси

Ёшларнинг маънавий тарбиясини янада кучайтириш, қизларни спорт мусобақаларига оммавий тарзда кенг жалб қилиш мақсадида Нишон туманида стол тенниси бўйича «Камолот маликалари» мусобақаси ўтказилди.

«КАМОЛОТ МАЛИКАЛАРИ»

«Камолот» ЁИҲ туман кенгаши раиси Қаҳрамон Бозоров беллашувларнинг уюшқоқлик билан ўтганлиги, муҳими, ҳақиқий спорт байрамига айланиб кетганлиги оммавийликка хизмат қилишини алоҳида таъкидлади.

Мусобақада 1999-2000 йилларда туғилган қизлар иштирок этди. 2- ҳамда 38-умумтаълим мактаби ўқувчилари Моҳигул Дониёрова, Бахтигул Норбоева, Нишон агроиқтисодиёт, маиший хизмат касб-ҳунар коллежидан Мадина Бердиева, Фотима Мусурмонова биринчи ўринни қўлга киритди.

Иззат ҲИКМАТОВ

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ҳамда ҳудудий ва тармоқ касаба уюшмалари жамоалари Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси
Бекчанбай МАТЯКУБОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши жамоаси тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Иштихон туман кенгаши раиси Маҳмуд Мусурмоновга акаси
Муяссар МУСУРМОНОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама ва эълонлар

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ФАРҒОНА ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Объектлар номи:
ЛОТ-1.
ЛОТ-1.1 «Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Катпут қишлоғидаги маданият уйи биносини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **191 882 604 сўм ҚҚС билан; 159 902 170 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-1.2 «Фарғона вилояти Бағдод тумани Қўштегирмон қишлоғидаги маданият уйи биносини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **242 100 000 сўм ҚҚС билан; 201 750 000 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-1.3 «Фарғона вилояти Бағдод тумани Пахтаобод қишлоғидаги маданият уйи биносини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **194 622 950 сўм ҚҚС билан; 162 185 791 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-1.4 «Фарғона вилояти Бешариқ тумани марказий маданият уйи биносини мукаммал таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **368 695 862 сўм ҚҚС билан; 307 246 552 сўм ҚҚС сиз.**
Муддати –**20.08.2014 йил.**
ЛОТ-2.
ЛОТ-2.1 «Фарғона вилояти Бувайда тумани Ибрат КФЙ Янгиқўрғон қишлоғидаги марказий маданият уйини жорий таъмирлаш». (том профнастилдан)
Бошланғич нархи — **244 210 361 сўм ҚҚС билан; 203 508 634 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-2.2 «Фарғона вилояти Олтиариқ тумани Азимобод қишлоғидаги маданият уйи биносини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **192 587 402 сўм ҚҚС билан; 160 489 502 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-2.3 «Фарғона вилояти Қува тумани Раста МФЙ Кайкубод кўчасидаги марказий дам олиш ва маданият уйи бино ва иншоотларини мукаммал таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **289 345 138 сўм ҚҚС билан; 241 120 948 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-2.4 «Фарғона вилояти Данғара тумани Тайпоқ ҚФЙ Хўжақишлоқ қишлоғидаги маданият уйи биносини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **291 979 557 сўм ҚҚС билан; 243 316 297 сўм ҚҚС сиз.**
Муддати –**20.08.2014 йил.**
ЛОТ-3.
ЛОТ-3.1 «Фарғона вилояти Фарғона тумани Лоғон қишлоғидаги маданият ва дам олиш маркази биносини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **143 546 856 сўм ҚҚС билан; 119 622 380 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-3.2 «Фарғона вилояти Риштон туман марказидаги маданият ва дам олиш уйи биносини мукаммал таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **207 343 160 сўм ҚҚС билан; 172 785 967 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-3.3 «Фарғона вилояти Фарғона туман Водил марказидаги маданият уйи биносини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **191 931 762 сўм ҚҚС билан; 159 943 134 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-3.4 «Фарғона вилояти Қўштепа тумани Қумтепа ҚФЙдаги маданият уйи биносини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **290 173 327 сўм ҚҚС билан; 241 811 106 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-3.5 «Фарғона вилояти Риштон тумани Зоҳидон қишлоғидаги маданият уйи биносини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **144 520 557 сўм ҚҚС билан; 120 433 798 сўм ҚҚС сиз.**
Муддати –**20.08.2014 йил.**
ЛОТ-4.
ЛОТ-4.1 «Фарғона вилояти Қувасой шаҳар Мўян қишлоғидаги маданият ва дам олиш марказини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **241 169 544 сўм ҚҚС билан; 200 974 620 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-4.2 «Фарғона вилояти Риштон тумани Оқ ер қишлоғидаги маданият уйи биносини жорий таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **145 305 971 сўм ҚҚС билан; 121 088 309 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-4.3 «Фарғона вилояти Учкўприк тумани Кенагас қишлоғидаги марказий маданият ва дам олиш уйи биносини мукаммал таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **290 542 206 сўм ҚҚС билан; 242 118 505 сўм ҚҚС сиз.**
ЛОТ-4.4 «Фарғона вилояти Ўзбекистон туман марказидаги маданият ва дам олиш уйи биносини мукаммал таъмирлаш».
Бошланғич нархи — **320 203 549 сўм ҚҚС билан; 266 836 291 сўм ҚҚС сиз.**
Муддати –**20.08.2014 йил.**

Буюртмачи: **«Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси**

Манзил: Фарғона шаҳар Темирйўлчилар кўчаси 37 уй, тел.(373) -401-52-06

Қурилиш-монтаж ишлари: Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Фақат қичик бизнес субъектлари қатнашади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак:

ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқига эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади:

қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдога қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37-уй, телефон/факс: 373-244-55-32

Танлов ҳужжатларини бир тўпламининг нархи – 63 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб ўттиз (30) кундан кейин, Фарғона шаҳри, Темирйўлчилар кўчаси 37- уй манзилида ўтказилади.

Хизматлар лицензияланган.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir o'rinbosari: Zayniddin Rixsiyev

Tahrir hay'ati: Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Sog'indiq Niyetullayev, Eson Rajabov, Jahongir Sharofboyev (Mas'ul kotib).

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 141-27-70; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 226-28-84; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 90 583-49-79; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti - 19.00
Topshirildi - 19.10

E-mail:ishonch2012@gmail.com

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 318 | 22551 nusxada bosildi | 1 2 3 4